

Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Пайариқ тумани

2023 йил 01 август

Пайариқ туманлараро иқтисодий суди судья Б.Жураевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Турсуновнинг котиблигида, аризачи Пайариқ туман солиқ инспекциясининг, жавобгар "PAYARIQ CHORVA OZUQA" масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни ҳақидаги аризаси бўйича ишни Пайариқ туманлараро иқтисодий судининг биносида тарафлар вакиллари иштирокисиз очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризасидан кўринишича, "PAYARIQ CHORVA OZUQA" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатида солиқ органига тақдим этмаган, шу сабабли Пайариқ туман солиқ инспекцияси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд муҳокамасида тарафларнинг вакиллари иштирок этмади.

Суд ишни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси 2-қисми ва 220-моддаси 1-қисмига асосан тарафларнинг вакиллари иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, аризачи томонидан солиқ тўловчи (жавобгар)нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 111-моддаси 1-қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Шу модданинг 2-қисмида "Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир



вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.” деб кўрсатилган.

Ушбу қонун талабига асосан аризачи жавобгарга солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги сабабли унинг банклардаги ҳисобварақ бўйича операциялар тўхтатилганлиги тўғрисидаги хабарномани жавобгарнинг шахсий кабинетига юборган.

Лекин жавобгар тегишли солиқ ҳисоботини тақдим этмаган.

Шу сабабли аризачи жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилган.

Аризачининг маълумотномасига кўра, жавобгар суд кунига қадар солиқ ҳисоботини тақдим қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 111-моддасининг 3-қисми 1-бандига асосан, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

Шу модданинг 5-қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Бундай ҳолатда, суд аризачининг аризаси иш ҳужжатлари билан ўз исботини топган деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантиришни, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси, 1-қисми, 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган. Шу сабабли суд давлат божини ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 118, 215-222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Ариза талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар "PAYARIQ CHORVA OZUQA" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операция (бюджетга тўловлар, иш хақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун

благлар бериш холлари бундан мустасно)ларининг чиқиш қисми



белгиланган тартибда солиқ ҳисоботини тақдим қилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Жавобгар "PAYARIQ CHORVA OZUQA" масъулияти чекланган жамиятига хизмат кўрсатувчи барча банклар томонидан ҳисоб-рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ органи хизмати томонидан тақдим этилган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин ўн кун ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига шикоят бериши (протест келтириши) мумкин.

Судья

Б.Х.Жураев

